

3
с. 8
1

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА №01

Тошкент шаҳри

2022 йил “05” январь

Республика махсус 2-сон Зангиота шифохонаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бош шифокор Д. Б. Миразимов (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва “MAZALI TAOMLAR MAMLAKATI” МЧЖ Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директор Рахматиллаев Ж.А. (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни **Буюртмачини ҳар кунлик пархез таомлар** билан таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини уз зиммасига олади, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади..

1.3 Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “05” январдан

2022 йил “31” декабргача

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1 Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш

2.1.2 Ижарага олинган бино ва иншоатларнинг ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши мунасабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.5. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.6. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

- 2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;
- 2.2.2 Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника ёнғин меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;
- 2.2.3. Товар (ишлар хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқаришини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;
- 2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларни узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;
- 2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;
- 2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;
- 2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати шунингдек тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;
- 2.2.9 Малакали, тажрибали қўйилган вазифани (хизматни ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган шунингдек белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;
- 2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб ахлоқ қоидаларига шунингдек ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;
- 2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажараши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
- 2.2.12. Мазкур шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар идишлар, асбоблар мебеллар инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда қлаши, таъмирлаши, шунингдек биноларни (хоналарни) тамирлаши;
- 2.2.13. Томонлар имзоладиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни жиҳозларни асбобларни, мебелларни инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;
- 2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шарномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсер фаолиятига аралашмаган ҳолда шарнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1 Бажарилган ишларнинг ейма далолатномаси ва расмийлаштирган ҳисоб фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2 Аутсорсер мазкур шартнома шартини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), мавжуд ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни инвентарлар ва моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши ;

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **1 201 166 490,00 (Бир миллиард икки юз бир миллион бир юз олтмиш олти минг тўрт юз туксон) сўм 00 тийинни ташкил этади. ҚҚС ҳисобга олинади.**

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида курсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3 Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи бюртмага мувофиқ Аутсорсерга 15 % олдиндан тўлов тулайди.

3.4 Бюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтидан бошлаб, 85 % қийматини 10 банк иш куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5 Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1 Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорига пеня тўлайди бунда пенянинг уммумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керек.

4.2 Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3 Мазкур шартнома шартларининг бажармаслиги ёки тегишли даражада бажармаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4 Буюртмачига ҳар ҳафтада бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишига (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5 Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2 Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI Форс-мажор ҳолатлар

6. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч яни табиий офатлар табиий ва техноген тусдаги фавқулудда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли оргинлари томонидан тасдиқланса жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштириб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йил

9. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

“Аутсорсер”

“MAZALI TAOMLAR MAMLAKATI” МЧЖ

г. Ташкент ул. Омонат-11
Р/с: 20208000905248818001
АКБ “INFIN BANK”
МФО:01041
ИНН:307 538 391
ОКЭД:56100

Директор: Рахматиллаев Ж.А.



“Буюртмачи”

Республика махсус 2-сон Зангиота шифохонаси

Тошкент вилояти, Зангиота тумани,
Хонабод, Тошкент МФЙ, Тошкент
янги айланма автомобил йули,
Х/р: 100010860272377074140054008
ОПЕРУ Казначейства МФ РУз
ИНН 307639274, ОКЭД:86100
Р/с:23402000300100001010
МБ ББ ХККМ г. Ташкент
ИНН: 201 122 919; МФО:00014

Директор: Д. Б. Миразимов



Юриет Шамаев / Шамаев Юриет

СПЕЦИФИКАЦИЯ №1-

2022 йил «05» январдаги
№01-сонли шартномага

№ н/п	Номи	Улчов бир-ги	нархи	Сони	Сумма	ККС 15 %	Сумма
1	Хар куни 3-марталик пархез таомлар COVID-19 учун	Нонушта	7 002,6	32 000	224 083 200,00	33 612 480,00	257 695 680,00
		Тушлик	13 318	37 300	496 761 400,00	74 514 210,00	571 275 610,00
		Кечки овкат	10 114	32 000	323 648 000,00	48 547 200,00	372 195 200,00
ЖАМИ:					1 044 492 600,00	156 673 890,00	1 201 166 490,00

Жами: 1 201 166 490,00 (Бир миллиард икки юз бир миллион бир юз олтмиш олти минг турт юз туксон) сўм 00 тийин. ҚҚС ҳисобга олинади.

Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:

“Аутсорсер”

“MAZALI TAOMLAR MAMLAKATI” МЧЖ


г. Ташкент ул. Омонат-11
Р/с: 20208000905248818001
АКБ “INFIN BANK”
МФО:01041
ИНН:307 538 391
ОКЭД:56100

“Буюртмачи”

Республика махсус 2-сон Зангиота шифоҳонаси

Тошкент вилояти, Зангиота тумани,
Хонабод, Тошкент МФЙ, Тошкент
янги айланма автомобил йули,
Х/р:100010860272377074140054008
ОПЕРУ Казначейства МФ РУз
ИНН 307639274, ОКЭД:86100
Р/с:23402000300100001010
МБ ББ ХККМ г. Ташкент
ИНН: 201 122 919; МФО:00014

Директор:



Раҳматиллаев Ж.А.

Директор:



Д. Б. Миразимов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektini yagona davlat reyestriga

"MAZALI TAOMLAR MAMLAKATI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli aniqlanmagan holdagi to'liq nomi)

"MAZALI TAOMLAR MAMLAKATI" MCHJ

(Yuridik shaxsning qo'shimchasi nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazishi ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.07.2020

867881

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (soz) bilan, yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307538391

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Olmazor tumani, Omonat ko'chasi, 11-uy.

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Olmazor tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan berilgan
MARKAZI

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi)

